


ИМОМ БУХОРИЙ САБОҚЛАРИ



маънавий-маърифий, илмий-адабий журнал



ларга боғлиқ эмас, деган маънони беради” [5: 53]. Бугунги кунда ҳар қандай илмий билимга синергетик ёндашув муҳимдир. Князева фикрига кўра, илмий билимларнинг очиқ тизим эканлиги, илмий билимлар ривожланишининг ночизиқ эканлиги, когнитив тизимларнинг ўз-ўзини ташкил этишига асосланиши илмий билимлар ривожланишига синергетик ёндашишга асосланади. Демак инсоннинг маънавий-ахлоқий ўз-ўзини ташкиллаши жараёни илмий билим нуқтаи назаридан ҳам синергетик таҳлил этиш мумкин.

Синергетика нуқтаи назарга кўра ҳар қандай очиқ тизим ўз ривожланиши, тараққиёти жараёнида ташқи муҳитдан модда, энергия, ахборот олади ва ўз-ўзини ташкиллаштиради. Тадқиқотимиз мазмунидан келиб чиқиб биз инсонни ҳам очиқ тизим деб айтишимиз мумкин. Синергетик категориялар асосида таҳлил этадиган бўлсак аждодларимиз томонидан яратилган миллий маданий меросимиз намуналари, уларда баён этилган бебаҳо ғоялар неча минг йиллар олдин ҳам, асрлар давомида ҳам, бугунги кунда ҳам инсониятга ўз-ўзини маънавий-руҳий ташкиллаши учун энг муҳим ахборотни бера оладиган манбалар бўлиб хизмат қилмоқда. Бизга маълумки, инсон ўз-ўзини ташкиллаши жараёнида ўзи яшаб турган табиатдан, жамиятдан, турли ижтимоий институтлардан ва бошқа хилма-хил омиллардан сузқа олади.

Аждодларимиз томонидан яратилган буюк асарлар ана шундай таъсир этувчи воситалар ичида энг мақбули, энг ҳаракатга келтирувчи кучи, ўз-ўзини ташкиллаш учун энг қулай йўлни топишга ёрдам берувчи восита деб айта оламиз. Аслида кишиларнинг маънавий-ахлоқий ўз-ўзини ташкиллаши синергетика қонуниятлари юзага келгунига қадар бирор бир файласуф томонидан ўрганилгани йўқ. Ўз-ўзини ташкиллаштириш синергетик талкин этилгач, шахснинг маънавий-ахлоқий шаклланишида ўз-ўзини ташкиллаштириш қонуниятларининг ўрни ўрганила бошланди.

Синергетика методологияси қонуниятлари асосида ўрганилаётган объектимиз қуйидаги хусусиятларга эга бўлиши лозим:

- Ўз-ўзини ташкиллаштиришга қадар элементлар ва таркибий қисмларнинг етарли даражада мавжуд бўлиши;
- Ўз-ўзини ташкиллаштирувчи объект очиқ муҳитда бўлиши ва ўзини қуршаб турган муҳит билан модда ва энергия алмашиши;
- Бу объект беқарор ҳолатда бўлиши;
- Ривожланаётган объект фақат сабаб, оқибат, зарурият орқали амалга ошириш билан чекланмасдан, ривожланишининг тўсатдан спонтан, тадрижий, детерминистик, хаос каби жараёнлар билан боғланганлигини ҳам ҳисобга олишни талаб этади [7: 69].

Синергетика инсоннинг билиш қобилиятини чекловчи бир хиллик қопилларидан ҳалос бўлишига олиб келади. Инсоният тараққиётида шахс, айниқса, ёшларнинг фаолиятига катта таъсир кўрсатади. Шунинг учун ҳар бир шахснинг маънавий баркамоллиги ва етуқлигига жамият, ижтимоий жараёнларнинг меъёрларини белгилаш-да, уларни ўзгартиришда жамият ва унинг таркибий ички қисмлари, албатта, таъсир ўтказади [8: 74].

Шу ўринда қайд этишимиз ўринлики, кишиларнинг ўз-ўзини маънавий-ахлоқий ташкиллаштиришида миллий маънавий мероснинг аҳамияти ва ўрни бекиёсдир. Синергетик методологиянинг асосий хусусияти шундаки, унда ўзаро ҳамкорлик ва боғлиқлик асосида масалага муносабат билдирилади. Бизга маълумки, кооператив ёндашув, яъни тизимларни ўрганишда ҳамкорликда ёндашиш масаласи синергетик методологиянинг энг асосий принципларидан биридир. Г. Хакен ҳам ушбу терминни танлашига айнан ҳамкорликни ифодаловчи сўзни излагани ҳақидаги фикрларини синергетиканинг 30 йиллигига бағишлаб берган интервьюсида шундай ифодолаган: “Синергетика сўзини танлашимга сабаб фандаги кўплаб соҳалар юнон терминларидан фойдаланишади. Мен шундай сўз изладимки, у ҳамкорликдаги фаолиятни, тизимдаги ўз-ўзини ташкил этувчи умумий энергияни ва янги тизимлар яратишга интилишни ифодалаши лозим эди.

Юқоридаги фикрлардан келиб чиқиб, синергетик тафаккурнинг бугунги кундаги аҳамияти хусусида қисқача қуйидаги хулосаларга келиш мумкинки, ушбу методология, аввало, анъанавий чизиқли тафаккурдан фарқли равишда ночизиқли тафаккур юритишга, ҳар бир янги тизим ҳосил бўлишида қандайдир тасодифлар ҳам ҳал қилувчи ўринга эга бўлиши мумкинлигига, кишиларнинг ўз-ўзини ташкиллаштиришида ҳамда маънавий, мафкуравий иммунитет ҳосил қилишида жуда муҳим ўрин тутади. Ўрганилаётган объектларнинг янги илмий ечимини топишга ёрдам беради. Таълим тизими доирасида эса турли фанлар, турли соҳалар ўртасидаги ҳамохангликни ривожлантиришда, интеграциянинг мавжудлигида асос бўлиб хизмат қилади.

ҲОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР:

1. Каримов И.А. Юксак маънавият – энгилмас куч. – Т.: Маънавият, 2008. – 176
2. Николлис Г. Пригожин И. Поргалпс сложного. Введенны –М.: Мир, 1990.
3. Пригожин И. Стенгерс И. Порядок и хаоси. Новые диолог человека с природой. –М.: Прогресс, 1985.
4. Тўраев Б.О. Фалсафа тарихининг қисқача баёни. //Имом ал-Бухорий сабоқлари. 2010. 2-сон, -Б.13.
5. Философия науке. №5. 1985.
6. Хакен Г. Синергетика. – М.: Наука, 1986.
7. Раҳмонов Б. Шахсни ўрганишда синергетик ёндашувлар // Фан ва фалсафада инновацион тафаккур муаммолари. СамДУ, 2010.
8. Эргашева М. “Авесто”нинг синергетик таҳлили. – Самарқанд: СамДУ, 2016.

СИНЕРГЕТИК ТАФАККУР МОҲИЯТИ

Мазкур мақолада синергетик тафаккур моҳияти асосланган. Синергетиканинг муҳим методологик принципларидан бўлган ҳамкорликдаги ёндашув тамойилига асосланган ҳолда қадимги манбаларни тадқиқ этишни турли соҳадаги олимларнинг ҳамкорлигида амалга ошириши, ўтмиш ҳақидаги ҳаққоний хулосаларни олишига имкон бериши таъкидланган.

Таянч сўзлар: синергетика, ҳамкорлик, қадимги манбалар.

An this article investigating of ancient philosophical sources bu different scientists, of conclusion of lustful sources on the basic of the methodological principles is studied.

В данной статье подчеркнута возможность получение достоверных выводов об истории при проведение исследование древних философских источников учеными разных областей науки на основе принципа кооперационного подхода, которого является одним из важным методологическим принципам синергетики.

Барқарор ривожланиш йўлини танлаган ҳар қандай жамиятда замонавий илмий изланишлар ва технологияларни яратишда ижодкор ёшлар ва янгича тафаккур соҳибларини тарбиялаш асосий масала сифатида қаралади. Шуни таъкидлаш лозимки, мамлакатимизда жаҳон цивилизацияси тизимида ўзига муносиб, салоҳиятли ўринни эгаллаш мақсадида ўтказилаётган ижтимоий, иқтисодий, сиёсий, ҳуқуқий ислохотлар фан ва техниканинг жадал суръатларда ривожланишига кенг имкониятлар яратмоқда.

Шу ўринда миллат, давлат тарихини, юсак маънавиятини ўзида муҳим жасам этган беназир қўлёмалар, асарлар, ёдгорликларни тадқиқ этишда муайян даражада анъанавий тадқиқот усуллари билангина чегараланиб қолмасдан, мазкур объектга фаннинг янгича, самарадор илғор ютуқлари асосида янгича ёндашиб, уни келажакда ёшлар онгига янгича усуллар воситасида сингдириш бугунги кун талабларидан биридир. Зеро, кенг оммани ўзига жалб этаётган, янги сифатларга эга бўлган синергетиканинг ғоявий-фалсафий илдиэлари ҳам узоқ ўтмишга бориб тақалиши маълум бўлди. Синергетика асосчиларидан бири Г. Хакеннинг фикрича: "Синергетик қарашнинг анъанавий қарашдан фарқи шундаки, содда тизимни тадқиқ қилишдан мураккаб тизимни тадқиқ қилишга, ёпиқ тизимдан очиқ тизимга, чизиклиқдан ночизикликка ўтишга, де-локализация ва беқарорликдаги жараёнлар тенг вазнлигини кўриб чиқишдан, тенг вазнликдан йироқда содир бўлаётган жараёнларни ўрганишга ўтишдан иборат" [6: 26]. Шунинг баробарида синергетика методологияси қонуниятлари ва ҳозирги замон илмий билиши борлиқдаги воқеа-ҳодисаларни "қайтарилувчан" эмас, балки "беқарор ва флукуациявий" [2: 7], "тасодифий ва қайтарилмас" [3: 50] эканлигини исботлаб бермоқда. Глобаллашув шароитида умуминсоний қадриятлар билан биргалиқда миллий қадриятларнинг ҳам Респуб-ликаимизда демократик давлат ва фуқаролик жамиятини барпо этишда муҳим эканлигидан, уларни замонавий методологик принциплар асосида қайта таҳлил этиш заруратидан келиб чиқиб янгича ёндашувни шакллантиришда муҳим ўрин тутаяди. Аслида инсон тафаккури азалдан фалсафий таҳлил ва умумлаштиришга эҳтиёж сезган ва инсон тафаккури тараққиёти фалсафий фикрлар тараққиёти билан биргалиқда ривожланган. Шу нуқтаи назардан фалсафий фикрлар инсоннинг ўзлигини англаш давридан, яъни жуда қадим замонлардан бошланган» [4:13].

Сурайё РАҲМАТИЛЛАЕВА
СамДУ магистранти

Синергетика методологияси принципларига биноан мавжуд системадаги воқеа-ҳодисаларнинг ривожланиши ночизикли моҳиятга эга бўлиб ҳар бир система тараққиёти жараёнида кўп вариантли ривожланиш йўллари мавжуд ва у орқага қайтмаслик хусусиятига эга. Синергетика инсоннинг билиш қобилиятини чекловчи бир хиллик қолипларидан халос бўлишига олиб келади. Инсоният тараққиётида шахс, айниқса, ёшларнинг фаолиятига катта таъсир кўрсатади. Шунинг учун ҳар бир шахснинг маънавий баркамоллиги ва етуқлигига жамият, ижтимоий жараёнларнинг меъёрларини белгилашда, уларни ўзгартиришда жамият ва унинг таркибий ички қисмлари албатта таъсир ўтказаяди. Бугунги кун, яъни янги демократик ҳуқуқий давлат, янгича фуқаролик жамияти талабларини инобатга оладиган бўлсак, ушбу глобаллашув даврида яшаётган ҳар бир шахс ўз-ўзини ташкиллаши жараёнида мақсадга мувофиқ, ҳозирги замон илм-фани талабларига, энг сўнги технология ютуқларига, энг янги илмий, ижтимоий-сиёсий, ҳуқуқий, инсонпарварликка асосланган ғояларга жавоб бера олиши лозим. Ҳар бир фуқаро маънавий қадриятларимиз ва меросимиздан унумли фойдаланган ҳолда ўз-ўзини тарбиялашда, ўз-ўзини бошқариш, ўз-ўзини танқид қилиш, ваҳоланки, ўз-ўзини ташкиллаши заруриятдир. Зеро, Ўзбекистон Республикаси Биринчи Президенти И.А. Каримов таъбири билан айтганда: "...Одам ўз мустақил фикрига, замонлар синовидан ўтган ҳаётий-миллий қадриятларига, соғлом негизда шаклланган дунёқараш ва мустаҳкам иродага эга бўлмаса, ҳар турли маънавий таҳдидларга, уларнинг гоҳ ошқора, гоҳ пинҳона кўринишдаги таъсирига бардош бериши амри маҳол" [1: 113]. Синергетиканинг муҳим ғояларидан бири бу ўз-ўзини ташкиллаштириш ғоясидир. Бу назарий-фалсафий таълимот сифатида ХХ асрнинг охирида шаклланган бўлса-да, унинг фалсафий ғоялари узоқ ўтмишга бориб тақалади. М. Эргашева ўз монографиясида таъкидлаганидек, кенг оммани ўзига жалб этаётган, янги сифатларга эга бўлган синергетиканинг ғоявий-фалсафий илдиэлари узоқ ўтмишга бориб тақалиши маълум бўлди. Жумладан, "Авесто"нинг ахлоқий-фалсафий таълимоти уч маънавий асоснинг, яъни эзгу фикр, эзгу сўз ва эзгу амалнинг бирлигига таяниши алоҳида қайд этилади [8: 9].

Ўзини-ўзи ташкиллаштириш жараёни хусусида Г.И. Рузавин шундай ёзади: "Синергетика соҳасидаги тадқиқотлар ўз-ўзини ташкил этиш тушунчасига биз интуитив равишда мана шу атамага боғлайдиган маънони, яъни тизимда содир бўлаётган жараёнлар инсоннинг аралашшига, тизимнинг ташқарисидаги омил-

Ушбу сонда:

Шовосил ЗИЁДОВ, Бахтиёр ТУРАЕВ. Имом Бухорий халқаро илмий-тадқиқот марказининг истиқболли вазибалари	2
АЖДОДЛАР ИЛМИЙ МЕРОСИ	
Ҳасан РАСУЛОВ. Имом Бухорийнинг Пойқандлик устози	5
Барот АМОҢОВ. Имом Бухорийнинг шоҳ асари – “Ал-жомий ас-саҳиҳ”га ёзилган шарҳлар	7
Нодир КАРИМОВ. Ҳақим Термизий илмий меросининг хорихда ўрганилиши	9
ИСЛОМ ВА ҲОЗИРГИ ЗАМОН	
Иброҳим УСМОҢОВ. Қуръондаги масаллар (давоми)	12
Баҳодир ҲУСАҢОВ. Ислон дини қадриятларида этика ва эстетика масалалари	14
Дурдона РАСУЛОВА. XVII-XX аср бошларида Францияда ислон динига оид тадқиқотлар ва диний илмлар ривожин	16
ВАТАНИМИЗ ТАРИХИ	
Нигора ЮСУПОВА. Ҳозирги Ўзбекистон худудига жаҳон динларининг кириб келиши	19
Норҳужа ЧОРИЕВ. Азизиддин Насафий – шарқ уйғониш даврининг буюк мутафаккири	21
Дилноза ДУТУРАЕВА. Денгиз савдо йўлларида дипломатия: салжуқийлар ва Хитой	24
Азамат КУРАХМЕДОВ. XIX аср иккинчи ярми – XX аср бошларида Самарқанд мадрасаларида таълим-тарбия тизими	27
Аъзам БОЛТАЕВ. Бухоро ўлкашунослик музейининг ташкил топиш тарихидан	29
Мурод ЗИКРУЛЛАЕВ. “Уламо” жамияти ва 1917 йил Тошкентдаги октябрь тўнтариши	31
С. АБДИВОҲИДОВ. Жадидаларнинг ижтимоий – сиёсий ва ғоявий қарашларининг мазмун-моҳияти	33
Фаррух АБДУСАМАДОВ. Совет ҳқимиятининг хусусий мулкни чеклаш сиёсати ва унинг ижтимоий-иқтисодий оқибатлари	35
БАРКАМОЛ АВЛОД ТАРБИЯСИ	
Диловар НЕҒМАТОВА. Миллий ва умуминсоний ғоялар – баркамол авлод тарбиясининг муҳим воситаси сифатида	37
Мўмина РАҲИМОВА. Абдурауф Фитрат ахлоқий тарбия тўғрисидаги қарашлари ва уларнинг ўзига хос хусусиятлари	39
ИЖТИМОИЙ ИНСТИТУТ	
Насриддин НАЗАРОВ. Ҳаракатлар стратегияси тизимида қадриятларнинг тарбиявий моҳияти	41
Шухрат ОТАҚУЛОВ. Ижтимоий адолат тамойили – демократик тартиботнинг муҳим талаби	43
Нуриддин ҚОЛҚАҢОВ. Шарқ мутафаккирларининг сиёсий етакчи маънавияти ва имижига оид қарашлари	45
Янгибой ТУРДИМУРАТОВ. Этнолсгияда хўжалик-маданий типларни ўрганишнинг долзарб масалалари	48
Акрамжон ҒУЛОМОВ, Илҳом ЭРКИНОВ. Экологик масъулият-экологик маданиятни шакллантирувчи оми сифатида	51
Мавжуда ТИЛАКОВА. Уқувчилар шахсининг интеллектуал ва ижодий креатив потенциалини ривожлантириш зарурати	53
Иноятхон АРЗИМАТОВА, И. ЭРКИНОВ. Шахс маънавиятини юксалтиришда миллий қадриятларнинг ўрни	55
Ҳусан ДЖУРАКУЛОВ. “Табиат-жамият-инсон” муносабатларини уйғунлаштиришда маънавий қадриятларнинг ўрни	57
Rustam AMONOV. Jamiyatning iqtisodiy sohasidagi tavakkalchilik masalalari	59
Дилшод ҲАЙДАРОВ. Мустиқлик йилларида Ўзбекистон шаҳарлари иқтисодиётининг ривожланиш тенденциялари	60
МАЪНАВИЙ ТАҲДИДЛАРГА ҚАРШИ КУРАШ	
Шаҳзод ИСЛАМОВ. “ИШИД” террорчи ташкилоти тарғиботида болалар мавзусининг ёритилиши	64
Otabek G'AYBULLAYEV, Jamshid ORIPOV. Yoshlarni axborot xurujlari va ma'naviy tahdidlardan himoyalashning mafkuraviy jihatlari	66
Абдумутал ҚАМБАРОВ, Мавлуда НАЖМЕТДИНОВА. Ёшлар тарбиясида ахборот хавфсизлиги масалалари	68
Муҳиддин ТУРСУҢМУРАТОВ. Ғоявий манипуляция орқали ёшлар онига таъсир ўтказиш	69
ФАЛСАФИЙ МУШОҲАДАЛАР	
Г. МАҲМУДОВА. Зардушт тафаккури ва гаталар фалсафаси	73
Феруза БОЗАРОВА. Араб-муслмон олимлари ижодий меросининг Иммануил Кант қарашларига таъсири	75
Д. РАШИДОВА. Ижтимоий-фалсафий мерос ва ворисийлик	77
Илҳомиддин РУСТАМОВ. Марказий Осиёда янги Афлотунча фалсафа тараққиёти: Ибн Сино фалсафаси	80
Д. ҚОДИРОВА. Ижод жараёнининг эстетик ўзига хосликлари	81
Парда НОРБЎТАЕВ. Қашкадарё воҳаси бахшилари достонларида акс этган деҳқончилик билан боғлиқ удумларнинг этнография хусусияти	84
Хонзода ТОҶИБОЕВА. Абу Наср Форобий таълимотида инсон жамоаси ва маънавий камолоти масалалари	86
Хусен ТҲҲТАЕВ. Ўзбекистон қишлоқлари ҳақида янгича фалсафий дунёқарашни шакллантириш масалалари	89
Бобур ҚҮЙЛИЕВ. Ориентализмнинг мафкуравий ва парадигмал хусусиятлари	91
Сурайё РАҲМАТИЛЛАЕВА. Синергетик тафаккур моҳияти	94
ИМОМ БУХОРИЙ РИВОЯТ ҚИЛГАН ҲАДИСЛАР	
Йўлдошхон ИСАЕВ. Кимки қариндошлари билан алоқани боғласа, Аллоҳ таоло ҳам у билан алоқани боғлайди	96
ЯНГИ НАШРЛАР	
Назар ҲАКИМОВ. Синергетика моҳияти ва амалиётда намоён бўлишининг фалсафий талқини	97
Саидмухтор ОҚИЛОВ. УЛУҒ АЛЛОМА ИЛМИЙ МЕРОСИГА МУНОСИБ ЭЪТИБОР. (Абул Муин Насафий “Табсират ал-адилла” асарининг ўзбек тилидаги таржима наشري ҳақида)	98